

Фойдаланилган адабиётлар

1. Галяутдинова Г.Г.и др. "Токсикологические аспекты использования синтетических пиретроидов в сельском хозяйстве" Ветеринария.-2005.-№5. -С.51-56.
2. Медведь Л.И.и др. "Справочник по пестицидам" Киев: Урожай, 1974.-448 с.
3. Рекомендации по применению цетовота .Аджанта фарма лимитед. Индия.
4. Юлдашев З.А.и др. "Химико токсикологические исследования синтетических пиретроидов". Издательство Московского университета,-2006. 35-152 с.

УДК: 619,616.989.2,75

ҚУЁНЛАР ПАСТЕРЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

**Вет.фан.доктори Б.А.Элмуродов, кичик илмий ходим Н.А. Набиева,
магистр Ғафоров Ф.**

Аннотация: Чорвачилик халқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллаб қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Мазкур мақолада қуёнларнинг пастереллёз касаллигига қарши вакцинанинг самарадорлиги туғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: қуёнчилик, пастереллёз, вакцина, иммунитет, культура *pasturella*, бактериология.

Summary: Rabbit breeding is one of the important spheres of the national economy and preventing infectious diseases and development of measures to deal with them is one of the most actual problems of our days. With this purpose.it was tested the immunogenic properties of the experimental series offormal vaccine GOA, which was created as a result of scientific researches, against pasteurellosis disease of rabbits in laboratory conditions.

Key words: Rabbit breeding, pasteurellosis vaccine, the immune system, culture *Pasturella*, bacterioscopy.

Чорвачилик халқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллаб қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидаи ҳисобланади. Қуёнчилик-чорвачиликнинг тез етилувчан, серпушт, сермахсул тармоқларидан бири бўлиб. бу тармоқда кам меҳнат сарфлаб парҳез гўшт, сифатли тери, майин тивит ва бошқа маҳсулотлар етиштириш мумкин.

Сўнги йилларда сабзоватчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларда қуёнчиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бир бош қуённинг бир йилда яъни болаларнинг ҳам маҳсулдорлигини бирга ҳисоблаганда 70-80 кг гўшт ва 50 дан ортиқ мўйиа олиш имконияти мавжуд. Қуён гўшти енгил ҳазмланувчи. тўла қийматли оқсилларга бой ва холестерин микдори кам парҳез гўшт ҳисобланади. Киши организми қорамол гўшtidан 62% оқсилларни ўзлаштира, қуён гўшtidан 90% ни ўзлаштиради. Қуёи гўшти бўзоқ гўштига нисбатан 2.4 марта холестерини кам, бундан ташқари териси халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, аҳолини соғлом гўшт ва саноат хом-ашё билан таъминлашини инобатга олиб, қуёнларнинг юқумли касалликларини олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қуёнларнинг юқумли касалликларидан (пастереллёз, сальмонеллёз, геморрагик септицемия, қуёнлар ўлати) каби касалликлар қуёнчилик хўжаликларида катта иқсодий зарар еткази. Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш тарзига салбий таъсир этмай қолмайди.

Қуёнларнинг пастереллёз (геморрагик септицемия) касаллиги жуда оғир кечувчи хавфли касаллик ҳисобланади. Касаллик бошланганда ҳайвон ҳолсизланади, иштахаси пасаяди, иситмаси 40-41 °С гача кўтарилади, бурун бўшлигидан суюқлик ажралади. Бу 303

касаликдан ўлган қуённи патологоанатомик ёриб кўрилганда, ўпкада қон қўйилиш, юрак халтасида сув тўпланганлигини, юрак қўлоқчаларида қон қўйилишларни жигар конситенцияси зичлашиб ҳажмига нисбатан 2-3 баробар катталашганлигини, унда ҳам қон қўйилишларни ва ичакларда кўпиксимон суюқликни ҳосил бўлиши. ичак деворларида геморрагии яллиғланишлар мавжудлигини кўришимиз мумкин, бунинг натижасида ҳайвон нобуд бўлади.

Ушбу касалликни эпизоотии ҳолатда тарқалишини ва хўжаликларга катта иқсодий зарар етказилишини олдини олиш мақсадида ҚХА-9-013 “Мўйнали ҳайвонлар юкумли пастереллэзи касалигини олдини олиш ва даволашнинг илмий асосланган воситаларини яратиш” лойиҳаси устида илмий изланишлар олиб борилди ҳамда пастереллэз касаллиги билан касалланган қўёнлардан ажратиб олиган штаммлар асосида ГОА формал вакцинанинг тажриба серияси яратилди. Унинг стериллигини аниқлаш мақсадида турли озуқа муҳитларига экиб, ацептика ва антициптика коидаларига риоя қилган ҳолда безарарлиги ўрганилди. Бунинг учун 10 дона ок сичқонга 0,5 мл микдорини тери остига инъекция қилинди. Ушбу сичқонларни 10 кун мобайнида органолептик кузатиш олиб борилди ва уларда ҳеч қандай салбий ўзгариш кузатилмади, вакцинанинг тажриба серияси безарар эканлиги аниқланди.

Жадвал №1. Қуёнларнинг пастереллэз касаллигига қарши ГОА формал вакцинанинг тажриба сериясини самарадорлигини ўрганиш жадвали.

№	Гуруҳлар	Қуёнлар бош сони	Эмлаш миқдори, мл		Эмлаш жойи
			1-марта	2-марта	
1	I Тажриба	4	0,5	-	Тери остига
2	II Тажриба	4	0,5	0,5	Тери остига
3	III Назорат	4	-	-	-

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида биологик назоратдан ўтган вакцинанинг иммуногенлик хусусияти лаборатория шароитида синовдан ўтказилди. Бунда лаборатория вивариясида мавжуд қуёнлардан 12 бош ажратилиб, III-гуруҳга бўлиб ўрганилди, яъни ҳар бир гуруҳга 4 бошдан қуёнлар ажратиб олинди, I ва II гуруҳ тажриба гуруҳи III гуруҳ эса назорат гуруҳи ҳисобланиб I-гуруҳ тажрибадаги қуёнларга 1 маротаба 0,5 мл тери остига эмланди II-гуруҳ қуёнларга 2 маротаба 7 кун оралик билан 0,5 мл тери остига вакцинация қилинди III-гуруҳ назорат гуруҳидаги қуёнлар эмланмади.

Шундай қилиб қуёнларни пастереллэзига қарши ГОА формал вакцинанинг тажриба сериясини иммуногенлигини синовдан ўтказиш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳидаги қуёнларни пастереллэз кўзгатувчисини “Халқаро стандарт”™ асосланиб тайёрланган LD100 (1 милд/микр тана) билан зарарлатирилди бу қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал №2. Қуёнларни пастереллэз касаллиги билан зарарлантириш натижаси

Т/Р	Гуруҳлар	Қуёнлар бош сони	Зарарлантириш		Тажрибадан сўнг	
			жойи	миқдори 1	Ўлди	Тирик қолди
1	I-Тажриба	4	Қорин бўшлиғи	1 милд/микр. тана	2	2
2	II-Тажриба	4	Қорин бўшлиғи	1 милд/микр. тана	-	4
3	III-Назорат	4	Қорин бўшлиғи	1 милд/микр. тана	4	-

Қуёнлар зарарлантирилгандан сўнг уч кун ўтиб, яъни назорат гуруҳидан 4 бош қуёнлар ўлди. Қуёнларни ёриб кўриб патологоанатомик ва бактериологик текширишлар ўтказилиб, экмалар экилди. Бактериологик текширишлар натижасида *Pasturella* культураси ажратиб олинди. Илмий тадқиқотларимиз натижасида яратилган қуёнларнинг пастереллэз

касаллигига қарши вакцинанинг тажриба сериясини самарадорлиги 2 маротаба эмланганда 100 % эканлиги аниқланди.

Хулоса килиб айтиганда қуёнларни юқумли касаллик билан касалланмаслигини олдини олиш учун зоогигиеник талабларга риоя қилган ҳолда ҳайвонларни тигиз сақламаслик, захарли ҳидлар ва газлардан ҳоли сақлаш, қуёнлар турадиган жойларни гўнгдаи тозалаш мунтазам жорий дезинфекция тадбирларини ўтказиб туриш лозим. Қуёнлар кунора кўрикдан ўтиб туриши ва озиклантириш меъёрларига аҳамият бериш, жуда иссиқдан ҳамда совуқдан химоя қилиш, шунингдек ҳар олти ойда бир маротаба пастереллэз касаллигига қарши вакцина билан эмллаб туриш бу касалликни юзага келишини олдини олади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Кушоков Ж. - “Қуёнчилик”, Тошкент, 1984 й.
2. Бодур И., Кривчанский И. - “Кроолиководство” Тошкент 1988 й.
3. Амиров Ш.К. “Қуёнчилик ва мўйначилик фанидан маърузалар матни”. Самарканд 2009Й.
4. moy-krolik.ru, 5.mnogo-krolikov.ru.
- 6.krolik-prosta.ru. 7,m.youtube.com.
8. vetvo.ru.

УДК: 619+636.2+591.14

ТУҒРУҚ ГИПОКАЛЬЦИЕМИЯСИ - ҚАТЪИЙ ЭНДОКРИН КАСАЛЛИК

**Бобоев О. (ассистент), Худойбердиев Г. (магистр), Улуғмуродов Ю.(талаба),
СамВМИ**

Аннотация. Мақолада Сам ВМИ ўқув-тажриба хужалиги унитар корхонаси ҳамда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги "Фаза" фермер хўжалиги шароитларида паваришланаётган сизирлар орасида кальций-фосфор ал.машинувининг бузилишлари, шу жумладан туғруқ гипокальциемиясининг тарқалиши, иқтисодий зарари, ривожланиш механизми, шунингдек, касалликнинг олдини олишда тиропаратиридал экстракт (ТПТЭ) ва кальций Дз ни муқобил вариантларда ишлатилишининг профилактик самарасининг тахлили берилган.

Аннотация. В статье приведены распространение, экономический ущерб, механизм развития нарушения фосфорно-кальциевого обмена, в том числе послеродовой гипокальциемии в условиях учебно-опытного хозяйства Сам ВМИ и фермерского хозяйства "Фаза" Чирокчинского района Кашкадарьинской области а также анализ профилактической эффективности применения тиропаратиридал экстракта (ТПТЭ) и Кальций Дз в альтернативных вариантах.

Annotation. The article presents the distribution, economic damage, the mechanism of development of phosphorus-calcium metabolism disorders, including postpartum hypocalcemia in the conditions of the training and experimental economy of the VMI itself and the Fazo farm in the Chirokchy district of Kashkadarya region and the analysis of the preventive efficacy of using the thyroparathyroid extract (TPTE) and Calcium D3 in alternatives.

Калит сўзлар. Сизир. Туғруқ гипокальциемиyasi. Тиропаратиридал экстракт (ТПТЭ). Кальций Дз.

Ключевые слова. Корова. Послеродовая гипокальциемия. Тиропаратиридалный экстракт (ТПТЭ)

Keywords. Cow. Postpartum hypocalcemia. Tiroparathyroid extract (TPTE)

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистан республикаси Президентининг "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида" ги 2019 йил 28 мартдаги 5696-сонли Фармони ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш аҳолини арзон ва сифатли